Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 151 (3652)
5 ЧОРШАНБА ИЮЛЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ— СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

✦ ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

ОТАЛИҚДАГИ ХЎЖАЛИККА

«Ташсельмаш» заводи қошидаги 14-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти Келинин районидаги Ю. А. Гагарин номли совхозни ўз оталиғига олган. Билим юрти ўқувчилари эса ҳар йили совхоз ишчиларига мева ва узум ҳосили йиғиб-териб олишда кўмаклашадилар.

Яқинда билим даргоҳининг 110 нафар ўқувчиси совхозга борди. Улар шу кунларда ғарқ пишган олмазорда меҳнат қилишяпти. Ҳар куни 20—25 тонна олмани териб, яшикларга жойламоқдалар.

Ёшлардан айниқса Надя Тимаева, Мунира Шакирзянова ва Лена Паниналар ғайрат кўрсатиб ишлаб, дўстларига ибрат бўлмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1978 йил 4 июль куни ўз ишини давом эттирди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги доклади юзасидан бошланган музокараларда: СССР қишлоқ хўжалик министри В. К. Месяц, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, КПСС Амур область комитетининг биринчи секретари С. С. Авроменко, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари М. С. Горбачев, КПСС Воронеж область комитетининг биринчи секретари В. Н. Игнатов, СССР трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри И. Ф. Синицин, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе, КПСС Волгоград область Ленин район комитетининг биринчи секретари М. Т. Поберей, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шу масала юзасидан бир овоздан қарор қабул қилди, бу қарор бугун матбуотда эълон қилинмоқда.

Пленум ўртоқ Б. Н. Пастуховни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан Марказий Комитет аъзолигига ўтказди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тугатди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УЛУҒВОР ПРОГРАММАСИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲАМ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР.

Планга қўшимча

«Узсельхозтехника»га қарашли тажриба ремонт-механика заводи коллективи йилнинг биринчи ярмини 3560 двигателни сифатли ремонтдан чиқариш билан якунлади. Бу маҳсулотнинг 150 тадан ортиғини коллектив планга қўшимча тайёрлади.

Ремонтчилар бу йил 6700 та ёки ўтган йилдагидан 700 та кўп моторни ремонтдан чиқаришга аҳд қилишган. Коллектив ишлаб чиқаришнинг бу қадар ўсишига асосий фондлар самарадорлигини ошириш, ишчилар ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш орқали эришади.

Шу йил бошидан заводда двигателларнинг ёнилғи насослари, плужерлари ва поршен группаларининг тайёрлаш йўлга қўйилиб, ишлаб чиқарилаётган эҳтиёт қисмлар номенклатураси кенгайди.

Корхонада СССР янги Конституциясининг бир йиллиги шарафига кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада мотор цехининг ветеран ишчиси, силиқловчи П. Кузоверов, токарлар А. Полев, Ю. Маҳмуджоновлар намуна бўлишяпти.

ЗАРБДОР ҲАФТА ЯКУНИНИ ШАРҲЛАЙДИЛАР

Ишга туширилаётган энг муҳим объектларда

ҚОҒОЗ ФАБРИКАСИ ВА ЕГ-МОЙ ЗАВОДИНИНГ БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ ҚУРИЛИШИ

«Главташкентстрой» бошлигининг ўринбосари Л. З. ТОИРОВ:

— Иккала объектнинг ҳам бош пудратчиси 3-қурилиш трести бўлиб, бу бинолар июль ойида фойдаланишга топширилиши керак. Қоғоз фабрикасининг болалар боғчаси биноси қурилишида ишлар яхши кетяпти. Бу ерда Пардозлаш трести сувақчилик, бўёқчилик, дурадгорлик ишларини тугаллаш арафасида. Қурилиш ишларининг бир меъёрда олиб борилишига буюртмачи катта ёрдам бермоқда. Фабриканинг ишчи ва хизматчилари дам олиш кунлари объектда қурувчиларга ёрдам беришяпти. Боғча биноси қурилишини тугаллаш учун яна 20 минг сўмлик қурилиш ишларини амалга ошириш керак.

3-трестнинг 30-қурилиш бошқармаси ёғ-мой комбинатининг болалар боғчаси қурилишида ўз имкониятлари даражасида иш олиб бормаяпти. Бунинг сабаблари кўп. Биринчидан, «Главташкентстрой» саноат корхоналари бошқармаси қурилишни бинокорлик материаллари билан етарли даражада таъминлай олмаяпти. Боғча биноси қурилаётган территориядаги эски биноларни бузиш анча кетга сурилади. Натижада хозирга келиб, қурилишда шошма-шошарликка йўл қўйиляпти. бу албатта сифатсиз иш бажарилишига олиб келади. Бош пудратчини ёрдамчи пудратчилардан «Таштранспецстрой» трестининг 2-қурилиш бошқармаси, «Промвентиляция» ва 4-механизация бошқармалари орқага судраяпти. Қурувчилар объектда яна 100 минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришлари керак. Объект август ойида фойдаланишга топширилади.

ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ

Завод партия комитетининг секретари Х. ШАГИЕВ:

— Бу йил корхонанинг янги цехларини қуриш ва реконструкциялаш бўйича «Ташпромстрой» трести 6 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштириши керак. Жумладан, 2 миллион 650 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилиши лозим. Агар қурилиш ишлари тугалланса завод маҳсулот ишлаб чиқаришни бирмунча оширишга муваффақ бўлади.

Қурилишда меҳнат қилаётган ташкилотлар ичида «Ташпромстрой» трестининг 126-кўчма механизациялашган колоннаси пешқадамлик қиляпти. Колонна қурувчилари насос станцияси, ёнғинга қарши кураш отряднинг депоси қурилишларини муддатидан илгари тугаллашди. Инженерлик корпуси ҳам график асосида бунёд этилмоқда.

Бироқ, корхонанинг ҳамма объектларида ҳам қурилиш ишлари яхши кетяпти, деб бўлмайди. Масалан, трансформация корпуси қурилишида том ёпиш ишлари яхши бажарилмаган. Иситиш батареялари яхши ўрнатилмаган. «Провентиляция» ва бошқа айрим ёрдамчи пудратчи ташкилотлар объектда ишлашмаяпти. Шунинг учун ҳам қурилишда графикдан анча орқада қолинди. Бу қолоқликни бартараф этиш учун шу йили фойдаланишга топширилиши лозим бўлган муҳим объектда меҳнат қилаётган қурилиш ташкилотлари ўз ишларида бурилиш ясашлари. иш вақтидан унумли фойдаланиб, план топшириқларини шараф билан бажаришлари керак.



Дўппи цехи Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг илғор ишлаб чиқариш участкаларидандир. Бу ерда харидорларга жуда манзур бўладиган хилма-хил миллий дўппилар тайёрланмоқда. Цехда асосий ишлар машина-механизмлар зиммасига юклатилган.

СУРАТДА: ишчилар (чапдан-ўнгга) Комила Жўраева ва Фарида Йўлдошева гули автомат машиналарда тикилган Марғилон дўппиларини кўздан кечиришмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Автомат ҳужжатларни йиғади

Республика геология министрлигининг геология-иқтисодий тадқиқотлар методик экспедициясида «АНД—ЭМ» маркали ҳужжатларни тўпловчи автомат ишлай бошлади.

Ҳар йили жаҳонда геология, табиатшунослик бўйича 40—50 минг атрофида мақола эълон қилинмоқда. Мутахассис ана шунча катта миқдордаги ахборотлар оламидан ўзига керакли бўлган материалларни танлаб олиши анча мушкул.

Керакли маълумотларни тезда топиш ишида ана шу қурилма жуда қўл келяпти. Электрон аппарат «хотирасида» 880 минг ҳужжатнинг маълумоти сақланади.

● Қурилиш майдонида

Коллектив мураббийчилик усулида

Ураллик бинокорларнинг «Бригаданинг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажарилади» ватанпарварлик ташаббусига Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 6-қурилиш трестининг бинокорлари ҳам қўшилишган. Трестнинг 13 та бригада коллективи ана шу ташаббусга қўшилган ҳолда ишлаб, кун сайин муваффақиятларни қўлга киритишмоқда.

7-қурилиш бошқармасининг В. Ситников бошлиқ комплекс бригадаси тўрт ишчисини бошқа бригадага ўтказган эди. Ҳозир бригада коллективда қурувчилар сони кам бўлсада, юқори унумдорлик ва сифатга эришяпти. Ярим йиллик план 175 процентга адо этилди. Студентлар шаҳарчасида Тошкент политехника институтининг янги корпуси қурилишида меҳнат қилаётган бригаданинг Ш. Зокиров, Б. Шамшетов, А. Терентьев каби аъзолари тез ва сифатли меҳнат қилишда ҳамкасбларига ўрнак кўрсатишмоқда.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобининг бригада пудрати методи бўйича иш олиб бораётган коллектив СССР Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигигача беш йилликнинг уч йиллик топшириғини бажаришга қарор қилган.

Олтмишинчи марта

Тошкент медицина институтининг олтмишинчи марта битириб чиқувчилари — мингга яқин ёш врачлар 30 июнь куни кишиларнинг сиҳат-саломатлиги ва узоқ умр кўриши йўлида ўзини аямасликка, одамларга ҳар доим медицина ёрдами кўрсатишга тайёр туришга тантанали қасамёд қилдилар. Институтни битирувчилар олижаноб медицина соҳасида ўзларининг меҳнат йўлини бошлар эканлар, совет врачининг қасамёдига умр бўйи содиқ бўлиб қоламиз, деб ваъда бердилар.

Институт ташкил этилган пайтдан буён бу ердан минг-минглаб врачлар етишиб чиқди. Ҳозир улар шаҳар ва қишлоқлардаги даволаш муассасаларида, Ўзбекистон ва бошқа республикалардаги илмий-тадқиқот институтлари ҳамда ўқув юртларида меҳнат қилмоқдалар.

ЁРДАМНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

Корхонамиз коллективи ўзининг биринчи кунидан бошлабоқ ер ҳайдаш тракторларининг двигателларини ремонт қилиб келади. Бир сўз билан айтганда, биз қишлоқ механизаторларининг яқин мададкори бўлиб қолганмиз.

Куни кеча Москвада бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг Пленумида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги доклади биз машинасозларни ҳам янада янги марралар сари руҳлантириб юборди. Албатта, қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаштиришда биз машинасозларнинг меҳнатимиз ҳам нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини биламиз. Шунинг учун ҳам дала меҳнаткашларига фақатгина янги техника етказиб берибгина қолмасдан, балки жойларда зарур техникани ремонт қилиш ишларида ҳам актив иштирок этяпмиз. Жумладан, корхонамизнинг Р. Шафиев бошлиқ бригадаси Жиззах областининг Зомин районида хўжаликларида галла ўримйиғимида иштирок этаётган комбайнларни ремонт қилишда қатнашяпти. Галлакорларга техниканинг доимо ишга шай туришини таъминлаш учун уларга битта кўчма устахона хизмат қиляпти. Шунингдек, коллективимиз пахта йиғим-терими мавсуми арафасида «зангори кема»ларни созлаш ва ремонт қилишда ҳам актив иштирок этади.

Э. ХАТИПОВ,
«Узсельхозтехника»нинг Қўйлиқдаги тажриба ремонт-механика заводи бош инженери.

МУНОСИБ ҲИССА

Кеча ўз ишини тамомлаган КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги докладида бундай деди: «Қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришдан иборат катта программани муваффақиятли амалга ошириш капитал қурилишни ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир».

Бизнинг Ўзбекистон Давлат инженерлик—техника изланишлари институти ана шу борада қишлоқ аҳлига яқиндан ёрдам кўрсатиш мақсадида катта ишларни олиб бормоқда. Биргина шу йилнинг ўзида бизнинг коллективимиз 400 қишлоқ хўжалик посёлкаларининг топографлик-геодезия ва инженерлик-геология асосларини тайёрлаб бериши керак. Бизнинг тайёрлаган хулосаларимиз асосида қишлоқдаги хутор системасига барҳам бериш бўйича қурилишлар ва реконструкция ишлари олиб борилади. Ҳозирги пайтда 200 дан ортиқ посёлканинг реконструкцияси бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалигининг янада тараққий этиши учун қишлоқ аҳлига қулайлик яратиш мақсадида бир қатор маданий-маиший шароитлар яратилиши кўзда тутилмоқда. Бизнинг коллективимиз ана шу ишларни амалга оширишда муносиб ҳисса қўшади.

К. ЗАСЕЦКИЙ,
Ўзбекистон Давлат инженерлик-техника изланишлари институти ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғининг ўринбосари.



КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарлари қатори Тошкент шаҳри ишчи коллективларининг қишлоққа самарали ёрдам кўрсатаётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтганлиги машинасозларимизни янада юксак марралар сари руҳлантириб юборди. Сиз ушбу суратда, дала меҳнаткашларига кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари етказиб бераётган «Ташсельмаш» заводининг илғор ремонтчи-слесарлари А. Кузнецов ва П. Рапошенноларни кўриб турибсиз. Ҳар икки машинасоз бу юксак баҳодан руҳланиб, ўз шахсий кундалик топшириқларини 1,5—2 баравар бажаришга аҳд қилишди.

Е. Ботиров фотоси.

ПАРКДА МЕХАНИЗАТОРЛАР КУРСИ

3-таксомотор паркининг маъмурияти, партия, касаба союз ташкилоти ташаббуси билан бу ердаги ҳайдовчилардан механизаторлар курси ташкил этилган. Механизаторлар курсида 25 ҳайдовчи ўқимоқда. Улар 1.5 ой мобайнида пахта териш машинасининг механизатори деган гувоҳнома олишади. Бу курсда ўқиш истагини билдирган яна юздан ортиқ такси ҳайдовчилардан аризалар тушди. Пахта йиғим-терими мавсумига шундай гувоҳнома олган юздан ортиқ такси ҳайдовчилари отлиқдаги Охунбобоев номли пахтакор совхозда етиштирилган «оқ олтин» ҳосилидан 1500 тонна йиғиб-териб олишга отланадилар.

БЕБАҲО КИТОБЛАР БОСМАДАН ЧИҚДИ


Тошкент полиграфия комбинати коллективи кейинги йилларда техника тараққиёти йўлида катта ҳажмдаги ишларни амалга оширди. Эндиликда корхонада ўнлаб янги полиграфия машиналари гуриллаб ишлаб турибди. Янги техниканинг кенг жорий этилиши кўплаб ва ранг-баранг китоб ҳамда брошюраларни чоп этиш имконини берди.

Куни кеча матбаачилар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг «Тикланиш» ва «Кичик ер» китобларини босмадан чиқардилар. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур китоблар сувенир шаклида ишланган бўлиб, ҳажми 10х6 сантиметрдир. Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бу бебаҳо китоблардан жами мингдан ортиғи чоп этилди.

Шаҳримиздаги «Марказ—27» турар жой квартал тобора қомат ериб, гўзаллашиб боряпти. Бу ерда янгидан-янги гўзал турар жой бинолари қад кўтармоқда.

СУРАТДА: кварталда яқинда қуриб битказилган янги турар жой бинолари комплекси. Яқинда бу биноларга аҳоли кўчиб киради.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.



ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Учишни бошқариш маркази. Космонавтлар Владимир Коваленок, Александр Иванченков, Петр Климук ва Мирослав Германшевский «Салют-6» — «Союз-29» — «Союз-30» орбитал комплекси ичида биргаликдаги тадқиқотлар ва экспериментлар программасини тугалламоқдалар ҳамда «Союз-30» космик кемасини ерга қайтаришга тайёргарлик кўрмоқдалар.

● **Тўртинчи июль куни Тошкентда ёш журналистларнинг Ленин комсомоли 60 йиллигига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва республика журналистлар союзи ўтказди. Семинар-кенгаш қатнашчилари ёш журналистларнинг КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг ВЛКСМ XVIII съездидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар.**

● Республика пойтахтининг жамоатчилиги улуғ рус мутафаккири, ёзувчиси ва революционери Николай Гаврилович Чернишевский туғилган кунининг 150 йиллигини нишонлади.

Алишер Навоий номли театрда Тошкент шаҳар партия комитети ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзи уюштирган кеча бўлди. Унда меҳнат коллективларининг вакиллари, фан ва маданият намоёндалари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

телетайп лентасидан

● БЕРЛИН. Бауцен шаҳридаги «Домовина-ферлаг» нашриёти шу кунларда ўзининг 20 йиллик юбилейини нишонламоқда. Бу нашриёт ГДР территориясида яшовчи бирдан-бир славян майда миллати—Лужица сербларининг тилида китоблар чоп этади. Ўтган 20 йил мобайнида бу ерда икки мингдан зиёд номдаги китоб нашр этилди.

«Домовина-ферлаг» Польша, Совет Иттифоқи, Чехословакия ва Югославия нашриётлари билан қалин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

● ЛОНДОН. Буюк Британия муҳожирлари ва унинг демократик жамоатчилиги вакилларининг оташин ватанпарвар ва демократия учун курашчи Сальвадор Альенде туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Чили халқ бирлиги партияларининг вакиллари уюштирди. Йиғилиш президент лавозимидаги фаолиятига юксак баҳо берди. 1973 йил сентябрь ойида ҳарбий исён вақтида қўлида қурол билан ҳалоқ бўлган халқ раҳбарларининг хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

● ИСЛОМОБОД. Покистон ҳарбий маъмуриятининг бошлиғи генерал Зиёул Ҳақ 1978.79 молия йилига белгиланган — (бу молия йили 1 июлдан бошланади) мамлакатнинг янги давлат бюджетини эълон қилди. У радио ва телевидение орқали нутқ сўзлаб, жумладан, намоатни қисқартириш мақсадида бир қанча товарлар ва хизматларга солиқ ва бож олишни янада кўпайтириш кўзда тутилишини айтди.

● ПАРИЖ. Франция мамлакат тарихида муҳим сана — «Генерал де Голь чақириғи»нинг 38 йиллигини нишонлади. Лондонда бўлган де Голь 1940 йилнинг 18 июнида «Эркин Франция» радиоси орқали французларга мурожаат этиб, Францияни босиб олган фашист галаларига қарши курашга даъват қилган ди. Қаршилик ҳаракатининг ёдгорликлари ҳамда фашизмга қарши жангларда ҳалок бўлган курашчиларнинг хотиралари билан боғлиқ жойларда намойишлар бўлиб ўтди.

● БРАЗИЛИЯ. Бразилиядаги энг катта шаҳар— Сан Паулу аҳолисидан 2,5 миллиондан ошиқ киши энг оддий қулайликлардан маҳрум квартираларда яшашга мажбур бўлмоқда. «Коррею Бразилиэнсе» газетаси шуни маълум қилди.

★ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЮКСАК НОМГА ЯРАША

Цех партия ташкилотлари секретарларининг навбатдаги семинарида В. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективлари ўртасида социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариш, уни ташкил этишнинг форма ва методларини янада такомиллаштириш, ташкилий-партиявий ишларни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Бирлашма партия комитети секретарининг ўринбосари Г. Внучков корхона коллективининг бу борада эришаётган муваффақиятларини алоҳида таъкидлади. 39 цех ва бўлим, кўплаб бригадалар коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номга сазовор бўлишди. 90 процент маҳсулот завод Сифат белгиси билан ишлаб чиқариляпти.

Н. Маннопов, А. Девятова, Е. Субботин сингари меҳнат пешқадамларининг иш тажрибалари кенг оммалаштирилаяпти. Шунингдек семинарда социалистик мусобақани кенг авж олдириш, беш йиллик учинчи йилини зарбдор меҳнат билан нишонлаш юзасидан конкрет, янги тадбирлар белгилаб олинди.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

Тошкент тўқимачилик комбинатида ташкилий-техникавий тадбирлар қандай адо этилмоқда? Бу масала корхона партия комитетида муҳокама этилди. Сўнгги ойларда ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида 50 га яқин ташкилий-техникавий тадбирлар жорий этилди. Натижада ишчиларнинг меҳнат шароитлари янада яхшиланди, унумдорлик ошиб, кўплаб материал, хом ашё тежаб қолинди. Корхона рационализаторлари 126 та қимматли таклиф киритишди.

Шу билан бирга, корхона партия комитети томонидан тузилган комиссия ҳисоботида айтилишича, янги йигирув машиналарини ўзлаштиришда камчиликлар юз берган. Бир қанча дастгоҳлар ҳанузгача ўрнатилмаган. Айрим участкаларда иш унуми паст.

Комбинат партия комитети меҳнат ва дастгоҳлар унумдорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқувчи лабораторияси участкаси ташкил этишни тезлаштириш, қўл меҳнатини кўплаб тежаб қиладиган ишларни механизациялашга эътиборни қаратди. Цех ва участкаларнинг партия ташкилотлари зиммасига резервлардан фойдаланиш ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан жиҳозлаш масалаларини муттазам муҳокама қилиб бориш топширилди.

Г. РОЗЕНБЛИТ.

Беш йиллик илғорлари

МЕҲНАТ ЗАВҚИ

ИШДАН уйига қайтаётган Абдурашид заргарлик буюмлари магазини ёнидан ўтаётганда у ердан чиқиб келаётган аёл билан қизчанинг гаплари қулоғига чалинди.

— Раҳмат ойижон, эртага қизларнинг ҳаваси келадиган бўлди.

— Қани, ростдан ҳам жуда чиройли экан.

— Қаерда ишланган экан?!

— Тошкент заргарлик заводида.

Абдурашиднинг юраги алланечук бўлиб кетди. «Заводимиз маҳсулотини мақташяпти». У уйига ширин кайфият билан қириб келди. Чарчоқлари ҳам ёзилгандай бўлди.

Ким билади дейсиз, балки бу зирак Абдурашиднинг қўлидан чиққандир. Тошкент заргарлик заводи яқин йилларгача кичкинагина фабрика эди. Унда атиги 400 га яқин ишчи меҳнат қиларди. 1972 йилдан бошлаб заргарлик заводига айланди. Ҳозирги кунда бу корхонада бир ярим мингдан ортиқ ташаббускор ва новатор ишчилар сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Завод ишлаб чиқараётган маҳсулотлар халқимизга манзур бўлмоқда. Унинг довруғи чет элларга ҳам тараляпти. Бу корхонага кўплаб чет эллик заршунослар келиб, тажриба алмашиб иш ўрганиб кетмоқдалар. Масалан, Чехословакиядан, Япониядан, Югославиядан ва бошқа мамлакатлардан. Икки йил муқаддам Япония заргарлик буюмлар сотиш савдо фирмасининг президенти Комио корхонада бўлиб, шундай деб ёзиб кетган эди:

«Японияда заргарлик корхоналари кўп. Лекин мен бундай гигант заргарлик корхонасини биринчи кўришим».

Заргарлик заводининг сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришида, унинг довруғини оламга ёйилишида корхонанинг машъал ишчи, комсомол-ёшлар бригадаси бошлиги Абдурашид Ғаниев ва аъзоларининг катта хизмати бор, албатта.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили Абдурашид бошлиқ бригада аъзоларига ва бригадир учун энг бахтли, бир умр ёдидан чиқмайдиган йил бўлди. Чунки бригада 1976 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб деб топилиб, вимпель ҳамда пул мукофотини олишга сазовор бўлди. 1977 йилда бахт унга яна бир бор кулиб боқди. Абдурашид Ғаниев Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвонини олишга муваффақ бўлди.

— Бригадамиз 1973 йилда ташкил қилинган,— дейди Абдурашид, — мен шундан бери комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қилиб келяпман. Ҳозир бригадамиз коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номга эга. Бригадамиз ташкил топган вақтдан бери бирон ой, квартал, йил йўқки, планимизни бажармаган бўлсак.

Бундай муваффақиятнинг сабаби бор, албатта. Абдурашид мактабни тугатибоқ шу корхонага келган. 10 йилдан бери мутасил ишлаб, ўз касбининг сир-асрорларини ипидан-игнасигача ўрганиб олган. У заргарликнинг нозик сирларини корхонага яхши ишга келган ёшларга сира ҳам эринмай, қунт билан ўргатади.

Бригадирнинг ўнғичап қанотлари бўлган Нозима Ҳошимова, Шоҳид Юнусов, Нозим Муҳамедов, Воҳид Исмоиловларнинг меҳнатлари мақтаса арзийдиган, ибратлидир.

— Биз ҳар бир малакали, илғор ишчиларимизга ўз касбини чуқур эгаллаб олиши учун ёш ишчиларни бириктириб қўямиз,— дейди бригадир. —Шогирдлар уч ойми, олти ойми ўзларининг зеҳни, қобилиятларига қараб иш ўрганиб оладилар, сўнгра мустақил ишлай бошлайдилар. Мен ҳам анчагина шогирдлар етиштирдим. Улар ҳозир ўзим билан бирга меҳнат қилиб келишяпти. Масалан: Баҳодир Бойметов, Шавкат Бегматов, Собит Ёқубов, укам Абдухамид Ғаниев сингари шогирдларим ҳозир пешқадам ишчилар қаторидан ўрин олганлар.

Абдурашид Ғаниев самарали меҳнатлари, ташаббускорлиги билан заводда, қолаверса, шаҳар саноати ишчиларининг орасида энг пешқадам ишчи сифатида танилди.

— Бу йил ҳаётимда яна бир қувончли воқеа юз берди,— дейди

10 Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Т. ЖЎРАБЕКОВ: Жаҳонда энг катта телескоп қаерда қурилган?

Жавоб: Бизнинг кунларда астрономлар олис галактикани ва сирли осмон жисмларини кузатишяпти ва тадқиқ қилишяпти. Бу осмон жисмлари биздан шу қадар узоқдаки, улардан тараладиган нур бизга бир неча миллиард йилдан кейин етиб келади. Уларни бизнинг асримизда қурилган улкан телескоплар ёрдамида ўрганиш мумкин бўлди. 1948 йилда АҚШнинг Маунт Палошар обсерваториясида ишга туширилган, кўзгусининг диаметри беш метр бўлган телескоп-рефлектор қарийб ўттиз йил жаҳонда энг йирик телескоп ҳисобланиб келди. Олтмишинчи ва етмишинчи йилларда турли мамлакатларнинг обсерваторияларида кўзгусининг диаметри тўрт метр бўлган яна бир нечта улкан телескоп ишга туширилди. Бироқ жаҳонда энг йирик телескоп (кўзгусининг диаметри олти метр) мамлакатимизда, 1975 йилнинг охирида ишлай бошлади. Унинг бош конструктори Ленин мукофоти лауреати Б. К. Иоаннисианидир. Техник топшириқни тузишда Совет Иттифоқининг таниқли астрономлари ва оптиклари қатнашди. Телескопни тайёрлаш бўйича асосий ишларни Ленинград оптика-механика бирлашмаси ўнлаб бошқа илмий муассасалар, конструкторлик бюролари, заводлар билан ҳамкорликда амалга оширди.

Телескоп ўрнатиладиган жой талай вақт қидирилди. Ўнлаб экспедициялар мамлакатнинг тоғли районларини айланиб чиқди. Ниҳоят, Шимолий Кавказнинг Зеленчук станциясидаги Пастухов тепалиги танланди. Бу ерда 2070 метр балалликда СССР Фанлар академиясининг махсус астрофизик обсерваторияси қурилди.

* * *

Т. ОБИДОВ: Турар жой қурилиши кооперативининг қандай ҳуқуқлари бор?

Жавоб: Турар жой қурилиши кооперативининг ҳуқуқлари турар жой қурилиши кооперативининг Намунавий уставида белгиланган. Кооператив белгиланган тартиб бўйича шаҳар, турар жой қурилиши районларида посёлка территориясида, шунингдек совхозларда турар жой қуриш учун ер участкаларидан муддатсиз фойдаланиш ССР Қурилиш банки кредитидан СССР Қурилиш банки тасдиқлаган кооператив турар жой қурилишига қарз бериш қоидаларига биноан фойдаланиши мумкин.

Кооператив турар жойлар қурилишини мазкур шаҳарда, қишлоқ жойларда қўлланилаётган типовой лойиҳа бўйича амалга оширади.

Кооператив турар жой фондига хизмат қилиш учун уй бошқармасини ташкил этиши мумкин.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛД

ГАИ АХБОРОТИ

Хўжайли шаҳридаги 18-мактабнинг бош пионер вожатийси Рашида Ҳакимова Фурқат кўчасидаги светофорнинг қизил чироғи ёнганлигини кўра-била туриб, қатновдаги транспортларни ўтказиб юбормади, балки югуриб кўчани кесиб ўта бошлади. У биринчи автомашинанинг олдини кесиб ўтди-ю унинг орқасидан келаётган бошқа автомобилнинг гилдираги остига йиқилиб тушди. Бу ерда ҳайдовчи ҳам машинани тўхтатиб қолиш учун бирон-бир тадбир кўришга кечиккан эди.

Р. Ҳакимова енгилгина жароҳатланди.

КИТОБХОН ТАҲСИНИ

Раҳмат ФАЙЗИЙ

Москва баҳори. Эрталаб чарақлаб турган осмон бетини чошгоҳга бориб булут қоплади, сал ўтмай ёмғир шивалай бошлади. Кечга томон кучайиб, челакдан қуйгандек шиддат билан ёғаверди. Тўққизинчи қаватнинг деразасидан ташқарига, гавжум кўчага, юзалаб оқаётган дарёга айланган асфальт, йўлкаларга тикилиб турибману, фикр-хаёлим меҳмонхона олдига келиб тўхтаётган машиналарда. Дараги йўқ. Жойланган чамадонни очиб, ёмғирбоп кийинмоқчи бўлиб турганимда, эшик тақиллади, бўйдор, орикдан келган ёш йигит кириб келди. Салом бериб, ўзини танитди. Аэропортга олиб чиқиш унга топширилганини айтиб, чамадонни қўлига олди.

Вақт ўтаётгани, машинанинг кечикиши, шарос қуяётган ёмғир кайфиятни хуфтон қилиб турганида шофернинг кириб келиши кўнглимни ёриштириб юборди. Очиқ юзли, дидликина йигит экан, бирпасда стол тортмалари, тумбочка, шкафларни очиб, титкилаб чиқди-да, юринг дегандек коридорга шошилди. Кетмакет чиқсам, лифт эшигини очиб кутиб турибди. Қаранг, яхшининг шарофати деймизми, мана шу бир неча дақиқада— йигитнинг ташрифи, чеҳраси, муомаласидан бояги дили ҳаралик ҳаммаси унут бўлса-я... Яна бунинг устига машинага ўтиришим билан худди дилимдагини билиб тургандек ўзи гап бошлади:

— Биламан, машина кечикканидан безовта бўлгансиз. Бизнинг ишимиз шунақа. Гоҳо машинамиз биздан сўрамай инжиқлик қилиб қолади. Боришнинг машинаси ҳам бирдан ўт олмай қолди. Ўн минутча ғунади. бўлмади, қарасак вақт кетяпти. Гараж бошлиғи мени юборди... Ҳечқиси йўқ, улгурамиз... Қисқа йўл бор, ҳозир ўшанга ўтиб оламиз.

— Барака топинг, ука, рост, сиқилиб турган эдим, ичимга чироқ ёқиб юбордингиз, —дедим кўнглим тинчиб. Йигит ялт этиб менга ўгирилди.

— Кечирасиз, Сиз, Ўзбекистонданмисиз?

— Ҳа, нимайди?

— Чироқ ёқиб юбордингиз, дедингизми?— сўради кулимсираб.

— Ҳа, биласизми, ёмғир бўлмаганда ҳам бир нави эди... бундай пайтларда...

Йигит мени галиритргани қўймади.

— Тушунаман, тушунаман. Мен бошқа нарса демоқчийдим. Сиз мабодо Шамшаровни танимайсизми?

— Шамшаров?! Исми нима экан?

—Буни қаранг, ўзим ҳам ҳозир шуни ўйлаётувдим. Исми, исми, Йўлчими, Юсуфмиди, Йўлдошми...

— Йўлдошдир?

— Шунга ўхшайди, Танийсизми?

— Агар Йўлдош бўлса, танийман.

— Ҳали чироқ дедингиз-ку, шунақа номли роман ёзган-да.

— Эй бундай денг. Эшитган эдим,— дедим сирбой бермай.

— Ўзини кўрганмисиз?

— Кўрганман.

— Қанақа одам?

— Нима десам экан, ҳарқалай...

Чайналганимдан йигит ўзини ноқулай савол бериб қўйган фаҳмлади:

— Кечирасиз, мен бошқа нарса демоқчийдим. Яна канақа асарлари бор у кишининг?

— Ҳикоялари бор, очерклари бор...

Йигит жим қолди, ўй суриб кетди. Қўли рулда, кўзлари машина ойнасини қоплаб қуяётган ёмғир орасидан йўлга тикилган.

Мен ғалати бир аҳволда эдим. Сирбой бермаётганим маъқулми ё... шартта ҳаммасини очиб гапирганимми? Яхши асар таассуротида, ундаги воқеа, ҳодисалар оғушида юрган, хаёлан авторини кўз олдига келтираётган китобхонга унинг биографияси, хаёлини гапириб берсам нима бўларкин? Десам: Сиз ўқиган китоб автори Йўлдош Шамшаров билан мана қирқ йилдан кўпроқ вақт бўлди, бирга ишлашганман. Ўшандан буён биламан, у киши ўзбек совет журналистикасининг тўнғичларидан, унинг кекса аволодига мансуб. Унинг мақолалари, кейинчалик очерклари, ҳикоялари босилиб чиқди. «Пахтакайнар», «Орзигул», «Қаҳрамонлик йўли», «Ғурумсаройликлар», «Инсон қалби», «Ошиқлар», «Довруғ», «Ишқ ўти» каби очерк, ҳикоялардан иборат тўпламлари кенг китобхонлар оммасига яхши таниш. Моҳир журналист, моҳир таржимон ҳам бўлиб етишди. Ўзбек китобхонларини рус ва жаҳон классикларининг асарлари билан таништиришга салмоқли ҳисса қўшди. И. С. Тургеневнинг «Рудин», «Дворянлар уяси», «Арафа» романлари, бир қатор қиссаларини, Д. Дефонинг «Робинзон Крузо» асарларини, Галина Николаеванинг «Ўрим» романи, Л. Космодемьянскаянинг «Зоя ва Шура», С. Заречнаянинг «Лочин» каби китоблари Йўлдош Шамшаров таржимасида ўзбек китобхонларининг севимли асарлари қаторидан ўрин олди...

Шуларни шоферга гапириб берсам-да, романга кўчсам... Бундан саккиз йил муқаддам Йўлдош Шамшаров биринчи йирик асари — мана шу Сиз ўқиган «Чироқ» романининг қўлёзмасини Ёзувчилар Союзига, дўстлар қўлига топширди. Ҳамкасблари романни муҳокама қилиб, унинг ютуқларини кўрсатишди, ижодий маслаҳатлар беришди. Натижада мана, «Чироқ», романи рўёбга келди. Йўлдош Шамшаров бу асарини олтмиш икки ёшида тамомлаган эди. Яқинда у «Ер ҳиди» номли янги қиссасини ёзиб тугатди. Биз унинг етмиш йиллигини нишонламоқчимиз десам...

Шуларни кўнгилдан ўтказиб бораркан, шофёр хаёлимни бўлди:

— Мен бу романни ўқимаган эдим. Узим кўпроқ саргузашт асарларни ёқтираман. Дадам жуда кўп китоб ўқийдилар. Бир куни шу романни қўлимга тутқазиб, ўқиб чиқишимни тайинладилар. Менга жуда ёқиб қолди, кейин хотиним ўқиб чиқди. Иккаламизга ҳам айниқса асардаги Шароф домла ёқиб қолди. Халқ бахти учун, янги ҳаёт учун курашган асл фарзандларини ёзувчи яхши кўрсатиб берган. Дадамлар ҳам худди шуларни айтиб, Ўзбекистон ҳақида кўп нарсаларни гапириб бердилар. Асар оиламизнинг энг севимли китоби бўлиб қолди. Учрашганингизда авторга бизнинг миннатдорчилигимизни етказсангиз,— деб илтимос қилди шофёр.

Аэропортга келиб қолган эдик. Йигит мени худди асар авторини учратгандек ҳурмат бажо келтириб самимий кузатиб қолди.

Тошкентга келган кунимнинг эртасигаёқ Йўлдош акага москвалик китобхон Равилнинг саломини етказдим. Ёзувчи учун китобхонининг ташаккуридан кучлироқ таҳсин бўлмайди.

ЁЗУВЧИ ЙЎЛДОШ ШАМШАРОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА



ЕР ҲИДИ

Воқеий қиссадан парча

Йўлдош ШАМШАРОВ

Кун хира, бетини гўё қўрғошин қоплаб олган.

Аҳмаджон дераза олдида ўтирибди. Назари гоҳ совиб бораётган кунга қадалади, гоҳ идора орқасидан бошланувчи олмазорни оралайди. Олма дарахтлари яйдоқ, новдалар учида битта-иккита диккайиб қолган чала қуруқ барглар шамолда чирт-чирт узилиб, боғ узра лапанглаб учиб юради ва ерга тамғин қўнади... Аҳмаджон нимагадир бош чайқаб уф тортди: тез кунда бу йилнинг ҳам оёғи узилади, кечагина шахт билан кириб келган эди; қисталанг умр кўрди: на маҳлуқотга, на набототга тинғм берди. Жаҳду-жадалга ундаб турди. Вандидан узилиб ҳавода аста учиб юрган шу ҳазон яқингинада ям-яшил, авжи кучда эди, шу ердан ўтганда чапак чалиб, салқин нафас пуркарди. Мана бугун у ҳам яшаб бўлди. Умридан мамнунми ё қонмадими?

Наботот уйқуга ётди. Ҳа, ху дегунча янги йил киради. Одам умрининг бир йили кетади. Аммо бундан ким қондию, ким қонмади?

Инсон гоҳо ўз умрига шунчалик фарқсизки, кунлари, ойлари бефойда, беҳуда совурилади; ўзини, оиласини, теварак-атроф муҳитни заҳарлайди. Тағин мен яшадим деб гердаяди! Шу битта район одамларининг бир йилда бекор ўтган вақтига янги район тузиб обод қилса бўлади.

Бир тоифа одам борки, минг терга, қўрқиқа, уни ўз кўчасидан буролмайсан; тагида машина, ҳали шаҳарда, ҳали қишлоқда пайдо бўлади. Буникини унга, уникини бунда уради—иккаласини ҳам алдайди. Зокир шу тоифадан. бўштоброқ бригадирни ичкиликка тортади. йўлдан оздиради. Ичишга ружу қўйгандан кейин тамом. иш ўлдажўлда бўлади. На ётишда. на туришда роҳат сезади: бора-бора ғирт лақмага айланади; кечаги эътиборли бригадир одамлар қаторидан чиқади. Хотини ва боларига оғир юк бўлиб қолади... Аҳмаджон ҳаёт қирғоққа чиқариб ташлаган неча-неча йигитни биларди! Агар ўзи вақтида этагини йиғиб олмаганида хозир ҳоли нима кечарди? Қирғоққа чиқариб ташланганича қайси ботқоқда ботиб ётарди?

Бухгалтерлигида, ундан кейин раис бўлиб сайланган дастлабки йилларда ҳам улфатчилик даврасининг тўрида ўтиришарди. «Одамгарчилиги бутун йигит, «Мард, саҳий одам» деган мадҳиялар унинг кўксини кўтарган, жиддий ўгит Аҳмаджоннинг хотирида қолди. Ҳалолдик унинг эътиқодига айланди...

Шу-шу Аҳмаджоннинг кўз олди тиниқлашди, колхозда ҳаромхўрликнинг барча кўринишларига қарши омонсиз қураш бошланди. Қизиқ ҳаром томоқлар зимдан болалай бошлаган экан шекилди. ип қаттиқроқ тортилгач. икки-учтаси питиллашиб чиқди.

Ҳамма гап Умар ғурракнинг жинояти очилганидан бошланди. Шу Ғурракнинг тинч меҳнат қилиб юрган вақтлари ҳам бўларди. У звено бошлиғи эди. Оила аъзолари билан топгани рўзғорига етарди. ортиб ҳам қоларди. Аммо буни у икки-уч баравар кўпайтиришни хоҳлади. Шу хоҳиш унинг жиловини қўлига олиб, қамчи босаверди. Оқибатда у бориданҳам айрилди...

Умарнинг гуноҳи кечирилса, у колхозга етказган зарар ундириб олинмаса, келгуси йили пахта еридан яна ҳам каттароқ участкага ўзи учун экин қилмайдими? Андишанинг оти қўрқоққа чиқмайдими? Колхозда уларнинг уруғи кўпаймайдими? Оқибат натижада колхоз қаёққа қараб ўсади. Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди!..

Вужудни эзгиловчи аллақандай гунг оғриқ унинг ҳаёлини бўлди. Бўйнини боғлаб вагонда ётишнинг иложи бўлмагач, врачлар уни уйида даволашди. Ангина ёрилиб иситма анча қайтди... Мана бугун эрталаб идорага чиқиб ўзини йўғида йиғилиб қолган баъзи муҳим масалаларни ҳал қилди.

Ҳозир дала айланади. Аччиқ-кўзда юриб шудгордан дуруст-роқ хабар ололмади...

Эмизикли онадай ёз бўйи ҳосил боқиб вояга етказган тупроқ шудгор кўтарилгач уйқуга тўмган. Унинг ана шу ҳолатини кўриш, туйиш Аҳмаджонни гурбордан тозалайди. Киндик қон томган. ўзи эмаклаб оёққа босган шу ер, трактор плуги кетида кўкси очилиб хамирдай кўпчиб ётган шу тупроқ ҳиди Аҳмаджонни дарддан фориғ қилади. Тупроқ дардга чалингани, овқат тилаганини ҳам, чарчаганини ҳам у шу таниш ҳиддан билади. Шунинг учунми, у дўстлари даврасидаги суҳбат ер тўғрисида. уни асраш, боқиш тўғрисида борганда кўкраги кўтарилиб гапиради.

Теримнинг қизғин, жадал кунлари эди. Министр ўринбосари районга вакил бўлиб келди. Олдин бошқа колхоз ва совхозларда терим қандай уюштирилганн билан танишди. Эрталаб у ёққа ўтиб келди.

Аҳмаджон далада, ҳурматли вакилга йўл-йўлакай колхоз ўзлаштирган ерларнинг хусусиятларини қайси мавсенинг тупроғи неча йилда етилиб яхши ҳосил берадиган ер бўлганини, бу борада тажриба орта бориб чуқур қазилганда ҳам тупроқ кўринмаган тошлоқларни бўрсиллаган ерга айлантирганларини яйраб ҳикоя қилди. Вакил пахтаси очилган пайкалларни кўрган сари, тупроқни ҳосилдор қилиш тўғрисидаги ҳикоя бу ёқда қолиб раисини саволга тутди. Терим суръатингиз жуда сусг. Нимага? Очилган пахта кўп, нимага термайсиз, нимага машиналарни кўплаб ишлатмайсиз?

Аҳмаджон ўзини эшитмаганга солиб нафасини ютиб келаверди, унинг кўзи пайкалларга михланган эди. Мана шу участкага келганда у машинани тўхтатди. Пайкалларнинг тепасидан пастигача — ҳамма ёқ оппоқ, этак ва боши машина қатнайдиган қилиб тозалаб, текислаб қўйилибди. Вакилнинг кўзлари ўйнаб кетди. Аҳмаджон пахтазор ичида— гоҳ оқай деб турган пахтанинг толасини чўзиб кўрар, сиқимлар, чигитни чақиб кўрарди; гоҳ ҳали чаноғидан тошиб чиқмаган пахтанинг толасини чўзар, чигитини чақиб кўрарди. Вакилнинг тоқати тоқ бўлди шекилли, раисга яқин борди:

— Пахтани қаранг, пахтани! — деб ҳитоб қилди у. — Аммо нега теришмайди уни ё эгаси йўқми?

— Бўлганда қандоқ! — деди Аҳмаджон ғурур билан. Чиндан ҳам ҳозир унинг юраги кўксига сиғмаётгандай эди.

— Кимники бу?

Ўсмоқчилаяптими у, деб ўйлади Одилов.

— Кимники бўларди. Бизники-да.

Вакил ёқасини ушлади:

— Йўғ-э!

— Кеча келсам денг, машина солишибди. Уришиб бердим. Машинани чиқартириб юбордим.

— Нимага? — Вакилнинг кўли ёқасини қаттиқроқ тутди.

— Негаки, ҳисобласак гектарига йигирма икки центнердан га зўрга тўғри келди. Ҳолбуки бош терим камида ўттиз / икки центнерданга етмаса биз ҳисобни йўқотиб қўямиз.

Вакил қўлини ёқасидан олди. нимагадир энди ёноги уча бошлади:

— Назаримда, бу теримнинг умумий суръатини сусайтиради, районни орқага тортиш бўлади. Ё сиз бунинг акси деб ўйлайсизми?

— Шундоқ, тўғри! — деди Аҳмаджон, — товушн ҳиёл кўтарилди. Кўзлари қисилиб, кипригн уча бошлади, қатто вакилни ташлаб кетгиси қистади. — Тўғри, доим орқага тортамиз, ранс бўлганимга ўн беш йилдан ошди, ҳар йили шу!

— Тўғри гап туққанингга ёқмайди, — деди вакил, — жаҳлингиз чиқмасин. Ўртоқ Одилов. Колхозингизни қолоқ деганим йўқ. районда кўп пахта берасиз, пешқадам колхоз. Лекин терим суръатида орқадасизлар, бу нлгор колхозга ярашмайди. Мана шу пахтангиз бошқа хўжаликда. масалан. қўшнингизда бўлса аллақачон жон деб терарди. Сиз бўлсангиз машинани ҳайдаб чиқарибсиз. Ўйлаб кўрингчи. Шу қилиқ ярашадими, сизга?

— Ярашади, яна уч-тўрт кун сабр қиламиз, — деди у, ўзини вас-вас қилган шайтонга ҳай берди, жаҳлини нуқталаб, босиқ гап бошлади: — Нимага дейсизми? Шу участка планга мувофиқ эллик центнердан пахта бериши керак. Мажбурият эллик беш. Тўрт-беш кунни аччиқ тишласак ютқазмаймиз...

— Ҳисобингиз тўғри, аммо шу тўрт-беш кун хатарсиз — ёғинсиз ўтади деб бўладими?

— Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди.

— Ҳар қалай, суръатни тезлатинг. сизда бунинг иложи бор. ақалли менинг ҳурматимни қилинг, Аҳмаджон Одилович, — деди вакил ҳазил аралаш.

— Мана энди камайтирамиз. — деди Одилов. жиддий равишда. — Нимага дейсизми? Сизни ҳурмат қилганим учун пахтани дурустроқ очилтиришим, чигитни яхши етиштиришим керак, чунки сиз шахси, дўстимга эмас, давлат одамисиз. Ҳом терилган жойдан камида беш центнердан йўқотамиз, бу тажрибадан синаб кўрилган. Устига устак, давлатга зиён. тола қисқа бўлади; чигит пуч-ёғ чиқмайди.

— Қўйинг-э, жуда ўжар одам экансиз. — деди вакил унинг гапини кесиб. —одам деган муросага ҳам кўнади-да, ўзимникн тўғри деб тураверасизми?

• *Фан оламида*

Қуёш булоқлари

Бухоро давлат педагогика институтининг техника фанлари кандидати Б. Очилов раҳбарлигидаги гелиофизик олимлари қуёш нури билан сув чучуклаштирувчи аппаратларининг янги модели устидаги ишларни поёнига етказдилар. Унинг иш унуми мавжуд установкаларнинг иш унумидан анча ошади.

...Каттакон ойнабанд рама қизилқум қуёшининг иссиқ нурини баайни ўзига тортади. Ойна остидаги бетон поғоналарда шўр сув оқиб турибди. Сув буғланган, совуган, тузи қочган, ичиш учун тамомила яроқли ҳолга келиб, рама ортидаги чоналарга тушади. Бухоролик тадқиқотчилар, Тошкент ва москвалик физиклар ёрдами билан бир неча хил моделда шундай установкалар ясадилар. Сув чучуклаштирувчи бу аппарат «Шофиркон» совхозида синовдан яхши ўтди, у ерда мутахассисларнинг юксак баҳосини олди. Установка тежамли, ишлатиш учун қулайдир. Қизилқум ичкарилигида жойлашган қорақўлчилик хўжаликларига жуда қўл келади. У жойларда чучук сув доимо тахчилдир.

Олимлар ишлаб чиққан бу янги установка ҳар кандай хўжаликнинг бир суткалик сув эҳтиёжини қондира олади. Янгилик кўплаб ишлаб чиқариш учун Бухоро гелиоустановкалар заводига топширилди.

Тошкентда «дори саройи»

Тошкентнинг собиқ «эски шаҳар» районида Ўзбекистонда энг катта дорихона очилди. Унинг жами саҳни— 4 минг квадрат метрдан ошади, йиллик оборотн 1 миллион сўмга боради.

Уч қаватли замонавий бинонинг кенг савдо залида рецептлар, тайёр дорилар, болалар дорилари-дармонлари, медицина техникаси, минерал сув бўлимлари, информация бюроси жойлашган. Улуғ Ватан урушининг инвалидларига, шахсий пенсионерларга дори берувчи махсус бўлим ҳам бор. Бино тез юрар лифтлар, дорилар-дармон тайёрлайдиган ва уларни ўраб берадиган автомат ва ярим автомат қурилмалар билан жиҳозланган. Бу ерда марказлашган қадоқлаш цехи ҳам бор.

«Дори саройи» шаҳардаги ўнлаб дорихоналарни дори-дармон билан таъминлаб туради. У Тошкент фармацевтика институти билан Охунбобоев номидаги республика медицина билим юртининг студентлари учун ўқув-практика базаси ҳам бўлади.

Дорихонада Ўзбекистонда фармацевтика ишининг ривожи тўғрисида ҳикоя қилувчи музей барпо этилмоқда. Республиканинг шаҳарларидан ташриф буюрган меҳмонлар ёдгорлик китобига ўзларининг самимий фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирмоқдалар.

Маиший хизмат уйи

Зарафшонда маиший хизмат комплекси ишга тушди. Шу вақтгача сервисининг корхоналари олтин қазиб олувчилар шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг квартираларида ёки «вақтинчалик» жойлаштиришларди. Энди тикувчилар, пойафзал ремонт қилувчилар, телевизор, радиоаппарат, холодильник. тузатувчи мастерлар учун кенг, яхши жиҳозланган цехлар қурилди. Бу билан хизмат қилиш тури ҳам кенгайди: чунончи бош кийимларни тикадиган устахона, атторлик моллари, прокат пункти, косметика кабинети қурилди.

(Ўзтаг).



Шаҳримизнинг Аҳмад Икромов районига жойлашган ўқув ишлаб чиқариш комбинатида. Ҳозир бу ерда бўлажак қандолатчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташмоқда.

СУРАТДА: 195-мактабнинг ўқувчиларидан Света Саидова билан Лена Катц булка-кондитер цехида.

Р. Альбенов фотоси.

• *Ёз мавсуми: қандай дам оляпсиз?*

Маорифчилар ҳордиқ чиқаришмоқда

Киров район маорифчилари касаба союз комитети ҳам педагогларнинг ёзги мавсумни кўнгилли ўтказишлари учун бор имкониятлардан тўла фойдаланмоқда. Бу йил Иттифоқимиздаги санаторийларда 42 киши, сея-салқин дам олиш уйларида 45 ўқитувчи дам олади, Ватанимиз бўйлаб ва хорижий мамлакатларда 50 га яқин машъал ўқитувчилар саёҳат қилиб қайтадилар.

Ўқитувчи Абдувоҳид ака Акбаров Улуғ Ватан уруши инвалиди, ншчи-ёшлар мактабида ншлайди. У бу йил «Ботаника» санаторийсига йўлланма олди.

Ветеран жангчи Петр Ильич Ковалев Кавказдаги санаторийлардан бирида ҳордиқ чиқармоқда. Ўқитувчи ва мураббийлардан А. Исломова, Г. Проненко, У. Файзиева, Р. Қосимова кабилар Иттифоқимиздаги турли санаторийларда даволанишга муяссар бўлдилар.

Ўқитувчилар ва боғча-ясли тарбиячилари хоҳиши билан Олмаота, Самарқанд, Бухоронинг тарихий обидаларига саёҳатлар уюштирилди. Бундай саёҳатлар ёз давомида яна бир неча марта уюштирилади.

Район касаба союз ташкилоти район мактабларидан 10 тасида, шаҳардан ташқаридаги 6 та пионер лагерларида 10 минг ўқувчи ва пионернинг қўнгилли дам олишлари учун ҳам шароит яратиб берди.

Бир сўз билан айтганда район маорифчилари ва ўқитувчиларининг яхши дам олишларига район партия, касаба союз ташкилотлари катта эътибор беришмоқда.

С. СУЛТОНОВ.



Шаҳримиз меҳнаткашларининг минглаб фарзандлари пионер ёзини соз ўтказмоқдалар. Улар пойтахт областининг ҳушманзара ерларига жойлашган пионер лагерларида мароқли ҳордиқ чиқаришяпти.

СУРАТДА: бир гуруп ўқувчилар Бўстонлиқ дам олиш зонасида.

М. Нуриддинов фотоси.

«Меҳнат—роҳат» лагерида

Илҳомжон олма, олча, шафтоли, узум шарбатларини хуш кўрар эди-ю, бироқ ширин ичимликнинг қандай тайёрланишини билмасди. Бу йил ёзги каникул кунларида шаҳар яқинидаги меҳнат ва дам олиш лагерига барча синфдошлари билан чиқишини эшитганида роса қувонди. Чунки улар борадиган Ю. А. Гагарин номли совхоз мевачилик ва узумчиликка ихтисослашган экан-да. Ўтган йили меҳнат ва дам олиш лагерига борган ўқувчилар у ерда мева шарбатлари тайёрловчи завод борлигини ҳам айтишган эди.

Собир Раҳимов районидаги Куйбишев номли 1-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Илҳомжон Солиҳов нинятига эришди. Мактабнинг 75 нафар ўқувчиси қатори у ҳам «Меҳнат—роҳат» деб номланган лагерда мириқиб дам олди. Олма териш ва ток тараш ишларида совхоз боғбонларига кўмаклашди. Болалар шириншакар меваларни терибгина қолмай, уларни қайта ишлашда ҳам қатнашдилар. Ҳосилдан тортиб то шарбат ҳолига келтиргунгача, ишда идишларга қуйилишигача бўлган барча босқичларини ўз кўзлари билан кўрдилар.

Лагернинг тартиб-қоидаларига кўра ўқувчилар ҳар куни эрталабки нонуштадан сўнг икки соат ва тушликдан кейин бир ўхлаб олгач яна икки соат меҳнат қилишди. Шу вақтнинг ўзида ҳар бир бола 100—200 килограмм олма теришга улгурди. Қолган вақтда эса спорт билан шуғулланишди. Экскурсияларга чиқишди.

— «Меҳнат—роҳат» лагери замонавий дала шийпонига жойлашган. Ўқувчиларимиз табиатни яхши ўрганишлари учун барча шароит муҳайё,— деди биология фани ўқитувчиси Собир Алимов.

Дарҳақиқат, лагерь жуда кўркам масканда, мевазор ва токзорлар орасида жойлашган. Унинг жанубидаги токзорларнинг этагидан чуқур жарликлар ўсиб қолиб. қадимий Бўзсув ўтади. Шимолдан ғарбдаги олмазорлар орасидан эса тезоқар Жўнариқ ўтади.

Болаларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши мазмунли ва кувноқ ўтишида педагоглардан А. Алимов, Х. Тўлаганова, С. Қаюмова ва Ҳ. Тошметовлар парвона бўлдилар.

Куни кеча йигирма кун мобайнида табиат билан оғно бўлган болалар ўзларига қадрдон бўлиб қолган лагерь билан хайрлашдилар. Бу ердаги ҳар бир кун уларда катта таассурот қолдирди.


М. МУРОДОВ.

Редактор ўринбосари

С. Б. ЕҚУБОВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

5 ИЮЛЬ, 1978 й.



Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ 104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўрта маълумотли ўқувчилар (уч йил муддатли ўқиш) қуйидаги мутахассисликларни эгаллаб чиқадилар: контрол-ўлчов асбобларн ва автоматика бўйича слесарь, ёритгич, кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи, юқори вольтли электр узатиш ҳаво линиялари монтажи бўйича электромонтёр, подстанциялар ва электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, электростанция қозонлари ва турбиналарнинг машинисти, кучланишли ускуналар ремонти бўйича слесарь, электрослесарь, автомобиль кранлари машинисти.

Билим юртига 15 ёшга тўлган 8-синф маълумотидаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар уч маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида маблағ билан рағбатлантириладилар.

Билим юртини аъло баҳо билан тугатган ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзлар берилади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАРГА ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ.

16 ва ундан катта ёшдаги ўқувчилар бир йил муддатли ўқиш (техника билим юрти программаси бўйича) қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилинадилар: контрол-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарь, юқори вольтли ҳаво линиялари монтажи бўйича электромонтёр, тақсимлаш қурилмалари ремонти бўйича электрослесарь, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.

Ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида маблағ билан рағбатлантириладилар.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ҳарбий хизматчилар бир йил муддатли ўқишга қабул қилинадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР АТТЕСТАТ ОЛАДИЛАР.

Тошкент шаҳрида яшовчиларга автобус хизмат кўрсатади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: директор номига ариза, автобиография, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет, ҳарбий рўйхатга ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, олтита фотосурат (3х4 см.) яшаш жойидан справка ва медицина (286-форма) справкаси.

МАШҒУЛОТ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, ТашГРЭС посёлкаси (Олой бозоридан «ТашГРЭС»гача 62-автобус билан борилади). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча 6-12, 3-18, 6-26.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978— 1979 ўқув йилига

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бўёқчилар, бўёқчи-альфрейшчиклар, сувоқчилар, қурувчи-дурадгорлар, электромонтажчилар, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарлар, электр пайвандчилар, ғишт терувчи, монтажчилар, дурадгор-паркетчилар.

Ўқиш муддати— 1-2-3 йил.

Билим юртига 8— 10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан қушиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиги ҳақида справка, 6 дона фотосурат (3х3 см.), турар жойидан справка, мактабдан характеристика, автобиография.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан бошлаб қабул қилинади.

Билим юртининг адреси: 700081, Тошкент шаҳар-81, Домбробод кўчаси 74-уй (54, 33, 50, 84, 70, 34, 103, 80-автобусларнинг «16 поликлиника», 16-троллейбуснинг «Домбробод» оекатлари). Телефон: 77-49-53.

СССР Алоқа министрлигининг

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ

1978 — 1979 ўқув йили учун

ЎЗБЕК ВА РУС ГРУППАЛАРИНИНГ

КУНДУЗГИ БЎЛИМИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ўрта маълумот билан қуйидаги мутахассисликларга: алоқа линия-кабель иншоотлари, район электр алоқаси ва радиолаштириш, кўпканалли электр алоқаси, телевизион техника ва радио релей алоқаси, автоматик электр алоқаси;

тўлиқ бўлмаган ўрта маълумот билан қуйидаги мутахассисликларга: телевизион техника ва радиолей алоқаси, телеграф алоқаси ва маълумотлар узатиш, кўпканалли электр алоқаси, автоматик этектр алоқаси, район электр алоқаси ва радиолаштириш;

СИРТҚИ БЎЛИМДА ЎҚИШ МУДДАТИ 10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР УЧУН — 2 ЙИЛУ 8 ОЙ, 8-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР УЧУН 3 ЙИЛУ 10 ОЙ.

сиртқи бўлимга қуйидаги ихтисосликлар бўйича: кўпканалли электр алоқаси, автоматик электр алоқаси, телеграф алоқаси ва маълумотларни узатиш, телевизион техника ва радиорелей алоқаси, почта алоқаси, алоқа линия-кабель иншоотлари.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар — 10 синф маълумотидагилар. — рус тили ва адабиёти (ёзма), математикадан (оғзаки), 8-синф маълумотидагилар эса рус тили (диктант), математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Техникумга тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотли ва ўрта маълумотли ва кириш имтиҳонларини топшираолган гражданларгина қабул қилинади.

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҲАҚИДАГИ АРИЗА ДИРЕКТОР НОМИГА ЁЗИЛАДИ ВА УНДА КИРУВЧИЛАРНИНГ ТАНЛАГАН КАСБИ КЎРСАТИЛАДИ.

Аризага қуйидагилар қўшиб топширилади: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (286-форма), 4 та фотосурат (3х4 см.), техникумга келган заҳоти ўқишга киручилар туғилиш ҳақидаги гувоҳнома ва ёки паспортни, ҳарбий билет ёки чақирилиш қоғози (ҳарбий хизматга яроқлилар учун)ни шахсан кўрсатадилар.

Аризалар — кундузги бўлимга 8-синф маълумоти билан 31 июлгача, 10-синф маълумоти билан 15 августгача, сиртқи бўлимга 10 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 1 августдан 20 августгача топширилади.

Маҳаллий миллат кишилари кириш имтиҳонларини ўзбек тилида топширишлари мумкин.

Бошқа шаҳарлардан келганларнинг ҳаммаси ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникумга кирганлар умумий асосларда стипендия билан таъминланадилар.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700189, Тошкент шаҳри — 189, Ў. Юсупов кўчаси, 70-уй (10, 23, 27-трамвайларнинг, 10-троллейбус, 8, 14-автобусларнинг «Алоқа техникуми» бекати).

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача (дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади. Телефонлар: 41-35-58, 41-12-48, 41-17-86.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН КОРХОНАЛАРИГА:

операторлар, слесарь-созловчилар, сантехниклар, йиғувчилар, автопогрузчикларнинг ҳайдовчилари, токарлар, бўёқчилар, нормаловчилар.

ЕЛҒИЗ КИШИЛАРГА ЕТОҚХОНАДАН ЖОЙ БЕРИЛАДИ.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИГА:

кондитерчилар, ошпазлар, фаррошлар, идиш-товоқ ювувчилар, омборчилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОН КОРХОНАЛАРИГА

бронировкачилар, прессловчилар, дурадгорлар, изолировкачилар, кранчилар, слесарь-электриклар, толаловчилар, юк ташувчилар, аппаратчилар, контроль-ўлчов асбобларининг слесарлари, ВОХР стрелкачилари.

ЕЛҒИЗ КИШИЛАРГА ЕТОҚХОНАДАН ЖОЙ БЕРИЛАДИ.

ЛЕНИН РАЙОН АЛОҚА КОРХОНАЛАРИГА:

почта жўнатмаларини сараловчилар, почта вагонлари билан почталарни алмаштириш бўйича операторлар, почта вагонларининг электромонтёр-проводниклари, почта қутиларидан хатларни йиғиштириб олувчи почтальонлар, почта механизациясига хизмат кўрсатувчи электр механиклар.

ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ —Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОНИ ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ ПУНКТИ—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.

ҲАМЗА РАЙОНИ ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ ПУНКТИ — Карл Маркс кўчаси, 59-уй.

КИРОВ РАЙОНИ ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ ПУНКТИ— Чилонзор массиви, 22-квартал, 12-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ ПУНКТИ — Райисполком, Совет Армияси майдони.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

«Ё Ш Л И К» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН



6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.



БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЕШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҲАМ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 64 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ТУЛАНАДИ.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛАР АЙНИ БИР ВАҚТДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЁКИ САВДО ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

МАКТАБ-МАГАЗИНИНГ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР КАТТА МАГАЗИНЛАРГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИ ВА УЛАРГА СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ ЁКИ СИРТҚИ БЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.



ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 8, 9, 10, 12, 1, 24, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати) 33-75-48 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.



КИНО

5 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Қизил дипкурьерлар — «ЧАЙКА» (18, 20, 21.30). «НУКУС» (19, 21.00).

Министр бўлишни истайман — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18, 20, 21.00).

Мўйловли энага— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (18, 20.00).

Уйинчоқ — «МОСКВА» (17.45, 19.30, 21.15).

ЁЗГИ БИНОДА

Уйинчоқ — «МОСКВА» (19.30, 21.15).

6 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Қизил дипкурьерлар — «ЧАЙКА» (11.30, 13.30, 16, 18, 20, 21.30). «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Министр бўлмоқчиман— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16, 18, 20.00).

Уйинчоқ — «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.45, 19.30, 21.15).

Арвоҳнинг олтин тангалари — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 20, 21.30).

Сенимни шошмай тур! — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Уйинчоқ — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.50, 22.30).

Катта умидлар —«ХИВА» (20.50, 22.30).

Чизмачи-картографлар ва картограф-гравёрлар тайёрлайдиган

10 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Курсларга 8— 10-синф ҳажмида маълумотли, 17— 25 ёшли тошкентлик қизлар қабул қилинади.

Ҳар ойда 40 сўмдан стипендия берилади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Халқобод кўчаси, 8-уй (9, 19, 24, 51, 60, 72, 69-автобуслар, 2, 3, 16, 22, 23, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Қозоғистон» кинотеатри» бекати).

Ўрта медицина ходимларининг малакасини ошириш ва мутахассислик бериш республика курси томонидан Аноргул Завқиева номига берилган 109562 номерли йўқолган ГУВОҲНОМА БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ташплодоовощ» бирлашмаси С. Раҳимов район улгуржи-чакана савдо конторасининг чек номерлари 501572 дан 501601 гача йўқолган ЧЕКЛИ ЛИМИТ ДАФТАРЧАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

6 ИЮЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Мультфильмлар программаси. 10.25 «Илк қувончлар». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.35 «Ешлар адреслари». 12.35 «П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс кундалиги». 15.00 «Монголия бугун». Кинопрограмма. 15.30 Н. Некрасов лирикаси. 16.00 «Ихтирочи». 16.30 «Олтин дарвоза». Болалар учун музикали программа. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.

17.15 Болалар учун. «Ҳамма палубага». Бадиий фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Шахс, илмий-техника революцияси ва адабиёт». РСФСР Ёзувчилар союзининг Новосибирск шаҳрида бўлиб ўтган кўчма секретариати иши материаллари асосида. 19.40 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс. Скрипка, III тур. 20.05 СССР Олий Совети депутатлари ҳақида қиладилар. 20.20 «Илк қувончлар». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Маҳорат ва илҳом». А. С. Пушкин номли Ленинград академик театри артистлари иштирокида фильм-концерт. 23.20 Литва ССР «Гримитас» Давлат духовой оркестрининг концерти. 23.50 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Биз— 70-йиллар комсомолларимиз» (рус.). 18.30 «Учинчи беш йиллик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш— ҳар бир меҳнат коллективининг бурчи». Ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1978 йил 25 июнда Минск шаҳрида сўзлаган нутқи материаллари асосида. 18.50 «Тўйлар ҳақида ўйлар». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Илҳом». Ижодкор ешлар клуби. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ешлик тароналари». Ҳожиакбар Ҳамидов ва Сайёра Назирова ижро этадилар. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ноз-неъмат бунедкори». 22.15 «Олтинчи июль». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Энг керакли одам». Ҳужжатли фильм (рус.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Реклама. 20.30 «Севимли опералардан саҳифалар». 21.10 «Тезланиш». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.35 Абитуриентлар учун. Математика.

МУҲИМ, КЕРАКЛИ, ҚИЗИҚАРЛИ КАСБЛАР

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!

СИЗЛАРНИ ПОЛИГРАФЧИЛАР БЎЛИБ ЕТИШИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Печатниклар ва машиналарда ҳарф терувчилар қизиқарли касб эгаларидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонасида самарали меҳнат қилиш учун барча етарли шароит яратиб берилган. Ёруғ, кенг ишлаб чиқариш корпусларида ҳавони мўътадил қилиб турувчи, шунингдек янги ҳавони киритиб, эскисини чиқариб турадиган махсус ускуналар ўрнатилган.

СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАНЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛГАН:

— бир йўла 100 сўм пул ҳисобида қайтариб олинмайдиган нафақа берилади;

— 6 ой мобайнида бепул яшаш учун (бўйдоқларга) ётоқхонадан жой берилади;

— ихтисосликни 3 ой мобайнида ўрганиш учун ойига 100 сўмдан иш ҳақи тўланади;

— ишлашнинг дастлабки 6 ойи мобайнида бепул овқатланиш билан таъминланади;

— Нашриётда камида 3 йил ишлаган ишлаб чиқариш илғорлари мамлакатнинг полиграфия олий ўқув юртларига йўлланма олишда устунликдан фойдаланадилар, корхона ҳисобидан оширилган стипендия оладилар.

Нашриётнинг уй-жой фонди ҳар йили кенгайиб бормоқда. Энг яхши ишлаб чиқариш илғорлари ва ёш мутахассислар квартира олишда устунликдан фойдаланадилар.

Нашриёт ихтиёрида пионерлар лагери, болалар боғчаси, болалар яслиси, дам олиш уйи, профилакторий-санаторий, клуб, ошхоналар бор.

Шонли ишчилар коллективининг сафларида сизларни кўрсак бехад қувонамиз.





---

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5 ИЮЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-44.

Р—07687. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д — 1350